

КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 81 (13343).
АПРЕЛЬ
1966 йил
ШАНБА
Баҳоси 3 тийин.

**КПСС XXIII съезди ўз
ишини якунлади.**

Съезд партия ва халқ бир-
лигининг қудратини яна бир марта
намойиш қилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

8 апрель эрталабки мажлисда съезд партия марказий органларига сайлов натижалари тўғрисида санақ комиссиясининг раиси ўртоқ Н. Г. Егоричевнинг ахборотини тинглади.

Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари бир овоздан сайланганлиги тўғрисидаги хабарни гулдурас; давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Танаффусдан кейин кундуз соат 12 да съезднинг охириги мажлиси очилади.

Раислик қилувчи ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIII съездида ҳозир бўлган Исроил коммунистлари делегациясидан съезд номига табрик олинганлигини маълум қилади. Германия миллий-демократик партияси бош комитети, Танганьика Африка миллий иттифоқи ҳам съездга табрик йўлладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев айтадики, съезднинг иш даврида съезд номига мамлакатнинг турли қисмларидан — саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг коллективларидан, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти жангчиларидан, комсомоллар, ёшлардан 90 мингдан ортиқ хат, табрик, қутловлар ва меҳнат рапортлари олинди. Ўртоқ Л. И. Брежнев самимий табрикларини, истак ва таклифларини йўллаган ва съездни меҳнат совғалари билан нишонлаган кишиларнинг ҳаммасига съезд делегатлари номидан ташақкур изҳор қилади ва уларнинг Улуғ Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳ-

натда янги, ижодий муваффақиятларга эришувларини тилайди.

Шундан кейин мажлисда КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан XXIII съезднинг резолюцияси, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг Директивалари, КПСС Уставига баъзи бир ўзгаришлар киритиш тўғрисида КПСС XXIII съездининг қарори бир овоздан қабул қилинди.

Делегатлар «АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан КПСС XXIII съездининг баёоти»ни яқдиллик билан қабул қиладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленуми партиянинг раҳбар органларини сайлаганлигини маълум қилади. Марказий Комитетнинг Бош секретари, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, Марказий Комитет Секретариати сайланди, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси тасдиқланди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Ревизия комиссияси ўз мажлисида комиссия раисини сайлаганлигини маълум қилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев якунловчи нутқ сўзлайди. У, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездини ёпиқ деб эълон қилади. Делегатлар ва меҳмонлар баланд руҳ билан партия гимни — «Интернационал»ни айтадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИ



Л. И. БРЕЖНЕВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари.



Г. И. ВОРОНОВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.



А. П. КИРИЛЕНКО,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари.



А. Н. КОСИГИН,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.



К. Т. МАЗУРОВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.



А. Я. ПЕЛЬШЕ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.



Н. В. ПОДГОРНИЙ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.



Д. С. ПОЛЯНСКИЙ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.



М. А. СУСЛОВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари.




А. Н. ШЕЛЕПИН,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари.




П. Е. ШЕЛЕСТ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.



В. В. ГРИШИН,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.




П. Н. ДЕМИЧЕВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС МК секретари.



Д. А. КУНАЕВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.



П. М. МАШЕРОВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.



В. П. МЖАВАНДЗЕ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.



Ш. Р. РАШИДОВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.



Д. Ф. УСТИНОВ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС МК секретари.



В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.



Ю. В. АНДРОПОВ,
КПСС Марказий Комитетининг секретари.



И. В. КАПИТОНОВ,
КПСС Марказий Комитетининг секретари.



Ф. Д. КУЛАКОВ,
КПСС Марказий Комитетининг секретари.



Б. Н. ПОНОМАРЕВ,
КПСС Марказий Комитетининг секретари.



А. П. РУДАКОВ,
КПСС Марказий Комитетининг секретари.



Г. Ф. СИЗОВ,
КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси.

КРЕМЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети КПСС XXIII съездида қатнашган чет эл делегациялари шарафига 8 апрелда Кремлда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ер юзининг барча қитъаларидаги 86 мамлакатдан келган коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва сўл социалистик партияларнинг вакиллари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари ҳозир бўлди. лар. ГИСС.

